

Банк Рисклари

А. Абдурахманов¹

Аннотация: Мазкур мақолада тижорат банкларида риск тушунчаси, уларнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, рискларнинг юзага келиши ва уларга қарши курашиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк рисклари, молиявий ресурслар, молия бозори, фонд бозори, ликвид активлар, ноликвид активлар, банк таваккалчилиги.

Кириш. Халқаро ва маҳаллий молия бозорларида молиявий ресурслар ҳамда истеъмол товарлари баҳосининг тебраниши, шунингдек банкларнинг актив ва пассив операцияларини бошқариш бўйича вужудга келаётган долзарб масалалар банк рискларини бошқаришни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан, банк рискларини бошқариш зарурати бозор иқтисодиётининг чуқурлашуви, халқаро иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда беқарорлиги шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида тижорат банкларни барқарор молиявий маблағлар билан таъминлаш, активларни диверсификациялаш ва улар бўйича захираларни шакллантириш, банкнинг актив операциялари билан бир қаторда пассив операциялар бўйича рискларни бошқаришга эътиборни кучайтириш, халқаро молия ва фонд бозорларида баҳоларнинг кескин тебраниши натижасида юзага келаётган бозор (фонд, валюта ва фоиз) рискни бошқариш, хорижий ҳамкор мамлакатлардаги банк тизими билан боғлиқ рискларни баҳолаш, тижорат банклари фаолиятидаги рискларни бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш борасида комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор муносабатларининг жорий этилиши, корхона ва ташкилотларда мулкчилик шакллариининг ўзгариши, монопол банк тизимидан эмиссион банк ва кредит муассасалари шаклига ўтилиши жаҳон андозаларига мос келадиган банклар фаолиятини ташкил этилишига асос бўлди. Ушбу даврда ташкил топган республикамиз банк тизимида ҳам рискларни бошқариш борасидаги халқаро Базель I, Базель II ва Базель III талабларидан келиб чиққан ҳолда қатор механизмлар ва усуллар босқичма-босқич қўлланилиб келинмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тижорат банкларида рискларнинг вужудга келиши ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олишнинг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Г.Л. Авагян², Д.К. Ван Хорн³, О.И.Лаврушин⁴, Ж. Синки⁵, Д.М. Нотон⁶ ва бошқа қатор олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, тижорат банклари активларини бошқариш, муаммоли кредитлар ва рискларни тартибга солиш билан боғлиқ айрим масалалар ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ё.А.

¹ Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, “Банк иши” кафедраси ассистенти

² Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: - М.: Магистр, 2007. - 350 с.

³ Ван Хорн Д.К. Основы управления финансами. Пер.с англ.; Гл.ред.серии Я.В. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 800 с.

⁴ Банковское дело: Учебник, перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2008. - 768 с.

⁵ Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках, пер. с англ. 4-го переработанного изд./ под ред. Р.Я. Левиты, Б.С. Пинскера. – М.: Catallaxy, 1994. – 820 с.

⁶ Нотон Д.М., Карлсон Д.Д. и др. Организация работы в банках: в 2–х томах. Том 2



Махмудалиева⁷, Ф.И. Мирзаев⁸, О.К.Иминов⁹, Ш.З.Абдуллаева¹⁰, Н.Х.Жумаев¹¹, Ф.Н.Каримов¹², О.Б.Сатторов¹³, Ф.Ж. Насриддинов¹⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида акс этган.

Банк фаолияти билан боғлиқ рисклар улар вужудга келган даврлардаёқ пайдо бўлган. Бироқ, улар билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, банк рискларини бошқариш зарурияти бозор иқтисодиётининг чуқурлашуви ва халқаро иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида муҳим масалалардан бирига айланди. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари омонатчилар, инвесторлар, қарз (кредит) олувчилар, мижозлар билан ўзаро муносабатлари доимо кенгайиб боради, бу ўз навбатида рискларни самарали бошқаришга бўлган эҳтиёжни чуқурлашувига олиб келади.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодий манбаларга кўра, банк рискларини бошқаришга бўлган эҳтиёж халқаро банк амалиётида XX асрнинг 70 йилларидан кейин, мамлакатимиз тижорат банкларида эса XX асрнинг сўнгги йилларида жуда долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Чунки, банкларнинг, нафақат банкларнинг балки барча молия-кредит муассасаларнинг фаолияти хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан фарқли ўлароқ, турли даражадаги рисклар билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг асосий сабабларидан бири, банклар иқтисодиётда вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш асосида ўз фаолиятини ташкил этади ва тегишли даромадларни шакллантиради. Шундай экан, банк рисклари хусусида гап кетганда, асосий эътиборни ушбу рискларнинг табиати, моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва ижтимоий – иқтисодий оқибатларига қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк рисклари жуда кенг қамровли иқтисодий тушунча бўлиб, унинг таркибига банк фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш, фойда олиш ва бошқа жараёнларда вужудга келадиган барча рисклар киради.

Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни билдиради.

Доимий бўлмаган мажбуриятлар исталган вақтда банкдан чиқиб кетиши эҳтимоли юқори бўлган йирик депозитлар/қарзлардир. Бундай мажбуриятларга одатда қуйидагилар хосдир:

- нисбатан катта миқдорда бўлиши;
- сўндириш муддатининг қисқалиги;
- мажбуриятлар эгалари банк билан мазкур мажбуриятлардан бошқа ҳеч қандай битимлар билан боғланмаган бўлади.

Захираларнинг ортиқча қисми - мажбурий захиралар фондига ажратмалар миқдоридан ошадиган банк маблағлари - банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғи.

⁷ Махмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2001. – 20 б.

⁸ Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг тулари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Т.: Молия, 2006. -135 б.

⁹ Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. –Т.: 2002, – 38 б.

¹⁰ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002. – 304 б.

¹¹ Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2008. - 35 б

¹² Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдасини шакллантириш муаммолари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. - Т.: 1998. – 19 б

¹³ Сатторов О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2008, – 18 б.

¹⁴ Насриддинов Ф.Ж. Тижорат банкларида риск менежмент тизимини такомиллаштириш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2012, – 26 б.



Ликвид активлар - уларнинг яхши маълум бўлган бозор нархининг шаклланишини таъминлайдиган доимий равишда сотилувчи ва сотиб олинувчи активларнинг алоҳида тури бўлиб, банклар уларни қисқа муддат ичида сотиб олишга тайёр бўлган харидорни топиши мумкин. Бундай активлар қаторига нақд пуллар, давлат қисқа муддатли облигациялари, қисқа муддатли (етти кунгача) банклараро кредитлар киради. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) давлатлари ҳукуматлари ҳамда фонд бозори ривожланган давлатларининг машҳур трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари ҳам юқори ликвидликка эгадир,

Ноликвид активлар деб, бозор нархини котировка бўйича аниқлаш мумкин бўлмаган ва бу турдаги активларнинг харид нархи сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув натижасида хусусий тарзда аниқланадиган активларга айтилади. Бундай активларнинг қиймати катта миқдордаги ўзгаришларга учраб туриши таққослашни қийинлаштиради. Бу турдаги активларга, масалан, кредитлар, қимматли қоғозлар бозорида котировкага эга бўлмаган ёки котировкаси қийин бўлган қимматли қоғозлар, асосий воситалар ва бошқалар киради. Тезда нақд пул миқдорини ошириш учун ноликвид активларни сотиш зарур бўлган ҳолда банк уларни зарар кўргани ҳолда сотиши мумкин.¹⁵

Бизнинг назаримизда, банк рискларини таснифлашда уларнинг актив ва пассив операциялари билан боғлиқ рискларга гуруҳлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, банклар актив операцияларни амалга ошириш учун етарли даражада молиявий ресурсларни шакллантириши зарур. Бу жараён, маълум даражадаги рисклар билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, инвесторлар, кредиторлар ва омонатчилар ўз маблағларини келишилган муддатдан илгари қайтариб олиши билан боғлиқ рисклар, ажратилган заҳиралар ҳажмининг бекарорлиги, молия бозорларида банк акциялари ва облигациялари баҳосининг пасайиб кетиши билан боғлиқ рисклар шулар жумласидандир.

Халқаро банк амалиётида рисклар билан боғлиқ муносабатлар асосан актив операциялар жараёнида рўй беради. Бироқ, таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг барча актив операциялари риск билан боғлиқ бўлмайди. Хусусан, тижорат банкларининг рискга боғлиқ бўлган асосий актив операциялари сифатида кредит ва инвестиция операцияларини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Банкларнинг ушбу актив операциялари юқори даражада рискга боғлиқлигининг боиси шундаки, банклар ушбу операциялар орқали ўзининг даромадларини шакллантиради.

Банк рисклари тушунчасига тўхталишдан олдин инсоният фаолиятининг барча босқичларида уни таъқиб қилиб келаётган рискларни умумиқтисодий категория сифатида тадқиқ қилиш ва уларни банклар фаолиятидаги таъсири доираси ўрганиб чиқилишини мақсадга мувофиқ деб топдик.

Тарихан риск тушунчаси дастлаб инсонларга табиий ҳодисалар вақтидаги ижтимоий-иқтисодий жараённинг салбий оқибатлар сифатида ўз таъсирини кўрсатиб келган бўлса, кейинчалик товар-пул муносабатларининг юзага келиши билан риск тушунчаси иқтисодий категория сифатида амал қила бошлади. Риск тушунчаси иқтисодий категория сифатида бир қанча хорижий ва маҳаллий иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилиниб, унинг иқтисодий моҳияти хусусида турлича таърифлар келтирилган.

Юқорида келтирилган таърифда асосий эътибор, рискни иқтисодий жараёнлар ва ноқулай шароитда кутилаётган даромад, фойда, мулк ёки пул маблағларини йўқотиш хавф хатари сифатида баҳолайди. Бизнинг назаримизда, иқтисодий луғатда рискга берилган ушбу таърифда иккита ҳолат эътибордан четда қолган.

Биринчидан, таърифда “кутилаётган даромад, фойда, мулк ёки пул маблағларини йўқотиш хавф хатари” масаласига эътибор қаратилиб, банклар томонидан берилган кредитларнинг асосий суммасини тўлиқ қайтмаслиги билан боғлиқ риск масаласи эътибордан четда қолган. Чунки, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳисобидан олинандиган фоиз даромадларини

¹⁵ Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида НИЗОМ



тўлиқ ундириб олиш муаммоси мавжудлиги билан бирга, унинг асосий суммасини қайтариш rischi ётади.

Албатта, бу фикрга биз ҳам қўшиламыз, бироқ масаланинг иккинчи жиҳати, риск фақат кредит билан эмас, балки банкнинг пасив операциялари билан ҳам боғлиқлиги эътибордан четда қолган.

“Банк rischi” сўзининг иқтисодий мазмуни, иқтисодчи олимлар тижорат банклари riskлари хусусида фикр юритганда, асосий эътиборни кредит riskларига қаратганлигини, шу билан бирга, иқтисодий адабиётларда «банк rischi» термини хусусидаги тадқиқотлар кам учрашини таъкидлаб ўтиш жоиз.

“Банк rischi – бу банкнинг алоҳида актив ва пасив операциялари бўйича келажакда асосий суммасини ва даромадни йўқотиш ёки тўлиқ ололмаслик эҳтимоли билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий воқелиқдир” мазмунида таърифлаш мумкин. Шу сабабли, банк riskларининг олдини олиш ёки уларнинг салбий таъсирини минималлаштириш учун уларни турларга бўлиб ўрганиш ва таҳлил қилиш бир мунча қулайликлар яратади.

Ҳозирги кунга келиб, молия-кредит тизимининг асосий бўғини ҳисобланган тижорат банкларида riskларни бошқаришга кучли эҳтиёж сезилиб бормоқда. Чунки, банklar ресурсларнинг деярли 90 фоизини жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шакллантиради, бу ўз навбатида, активларга жойлаштирилган маблағларни қўшимча даромад билан тўлиқ қайтишини тақозо этади. Бироқ, бу жараён маълум даражадаги riskлар билан боғлиқ бўлиб, агар риск даражаси юқори бўлса, банкнинг нафақат иқтисодий жиҳатдан зарар кўришига, балки мижозлар, омонатчилар, инвесторлар, акциядорлар олдидаги мажбуриятларини бажариш бўйича қатор муаммолар вужудга келтиради.

Хулоса. Тижорат банкларида банк riskларини камайтириш учун қуйидаги бир қанча омилларга эътибор қаратиш лозим:

- тижорат банклари фаолиятида ликвидлик riskини баҳолаш ва бошқариш билан шуғулланувчи махсус хизмат жорий қилиш;
- тижорат банклари бошқарув кенгаши томонидан ликвидлик riskини бошқариш бўйича Марказий банк нормативлари асосида ички низом ишлаб чиқилиши лозим; Мазкур низом асосида ликвидлик riskини бошқариш жарёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўз вақтида ликвидлик riskи бўйича зарур маълумотларни тақдим этишлари белгилаб қўйилиши лозим;
- ликвидлик riskини самарали бошқариш камайтириш мақсадида тижорат банклари марказий банк ёки банklarаро ресурсларга қай даражада муҳтожлиги ҳамда қарамлигини таҳлил қилиб боришлари ҳамда маълум меъёрий кўрсаткич қабул қилишлари лозим;
- тижорат банklarининг ликвидлик riskини мунтазам равишда баҳолаш ва бошқариш жараёнида банklarнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиши лозим;
- хорижий банк амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган тижорат банклари фаолиятида ликвидлик riskини бошқаришнинг сифат стандартини жорий қилиш.

Бизнинг фикримизча, тижорат банklarининг ликвидлилик riskини бошқариш усуллари мамлакат иқтисодиётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга қараб ўзгариб туради, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш тижорат банklarининг молиявий барқарорлигини оширишга ва аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007 й.
2. Банковское дело. Учебник под ред. проф. В.И. Колесникова, Л.П. Кроливецкой. – М.: "Финансы и статистика" 1996 й.
3. Баталов А.Г., Самойлов Г.О., Банковская конкуренция. Москва: Экзамен, 2002 г.
4. Головин, Ю. В. Банки и банковские услуги в России: вопросы теории и практики / Ю. В. Головин. – М.: Финансы и статистика, 1999 г.
5. Денги, кредит, банки: учебник/под ред. И.О. Лаврушина.–8-е изд., перераб. и доп. –М.: КНОРУС, 2009 г.
6. Иванов, А. Н. Банковские услуги: зарубежный и российский опыт / А. Н. Иванов. – М.: Финансы и статистика, 2002 г.
7. Кузнецова, Е. И. Деньги, кредит, банки: учебное пособие / Е. И. Кузнецова; под ред. Н. Д. Эриашвили. – 2-е изд., перераб. и доп. – ЮНИТИ-ДАНА, 2009 г.
8. Лаврушин, О. И. Банковское дело: современная система кредитования: учебное пособие / О. И. Лаврушин, О. Н. Афанасьев, С. Л. Корниенко. – М.: КНОРУС, 2005 г.
9. Масленченков, Ю. С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке: технология финансового менеджмента клиента (Кн. 3) / Ю. С. Масленченков. – М.: Перспектива, 1997 г.
10. Сиссорс Дж., Бэрон Р. Рекламное медиапланирование. 6 издание – СПб.: Питер, 2004 г.
11. Уткин Э.А. Банковский маркетинг.– М.:Инфра – М, 2005 г.
12. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг тулари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Т.: Молия, 2006 й.

